

---

“Ташаббусли бюджет”: ўзаро ҳамжиҳатлик ва бирдамлик натижасида маҳалланинг 3 минг 600 метр ички йўллари асфальтланди

“Ташаббусли бюджет” доирасида ажратилаётган маблағлар ҳудудларда яшовчи аҳолининг йиллар давомида йиғилиб қолган энг долзарб муаммоларига ечим бўляпти.

Ўзбекистон тумани Қоратепа маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари айна лойиҳанинг 2022 йилги 2-мавсумида ички йўлларни таъмирлашга оид таклифни илгари суришди.

Жараён давомида ҳудуд аҳлининг кўрсатган фаоллиги, ўзаро ҳамжиҳатлик ва бирдамлик натижасида мазкур ташаббус икки мингтадан кўп овоз олиб, давлатимиз раҳбарининг қарори асосида молиялаштирилди.

Натижада, маҳалладаги 3 минг 600 метр ички йўлларда асфальтлаш ишлари олиб борилиб, аҳолининг кўп йиллик мушули ариди.

2023-03-06 19:00:20